

# HUQUQ BURCH

4 2018

ISSN 2010-5436

...тариҳда халқимиз орасидан кўплаб буюк саркардалар ётишиб чиқкан.  
Ана шундай мард ва фидоий аждодларимизнинг ҳарбий соҳадаги  
бой мероси, мардлик ва жасурлик фазилатлари ўшларимиз учун  
ибрат мактаби бўлиб хизмат қиласи.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Келинг, бир ўйлаб кўрайлик: жиноят содир этган шахсни жазолашдан мақсад – уни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш, жиноятчиликнинг олдини олиш эмасми? Лекин инсонни фақат жазолаш, репрессив усууллар билан тарбиялаб бўлмаслиги кундек равshan. Худо кўрсатмасин, бирор яқинингиз у ёки бу сабаб билан жиноят содир қилиб, озодликдан маҳрум этилди, дейлик. Табиийки, яқинингиз билан кўришиш, унга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш илинжида жазони ижро этиш муассасасига мурожаат қиласиз...



# ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАН ШАХСЛАР:

улар қандай ҳуқуқларга эга?

Таҳририятимизга жазони ижро этиш муассасаларидағи шарт-шароитлар, маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Шу боис муштаријларимизни қизиқтирган масалалар ҳамда соҳадаги ўзгаришлар хусусида маълумот олиш учун ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Тўлқин Тўхтасиновга мурожаат қилдик.

— Озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ вақтида қариндошлари билан хат-хабар алмасини мумкинми?

— Ха, албатта. Улар қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан ёзишмалар олиб бориш ҳуқуқига эга. Хат-хабарни жўнатиш харажатларини маҳбуснинг ўзи қоплади. Бундан ташқари, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг ёзма рухсати асосида қариндошлари ва бошқа шахслар билан ойига давомийлиги икки соатгача бўлган битта учрашув, камокқа олинганда эса хар бирининг давомийлиги икки соатгача бўлган кўпич билан иккита учрашув (шу жумладан, ушлаб турилган даврида берилган учрашув) берилиши мумкин.

“

Вояга етмаганлар билан боғлиқ жазони ижро этишда тарбия колонияларининг яратилиши қонунчиликда назарда тутилган. Тарбия колонияларида жазони ўтаётган маҳкумлар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки ярим бараваригача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши мумкин. Йил мобайнида олти марта қисқа муддатли ва шунча узоқ муддатли учрашув, ўн икки марта телефон сўзлашуви, олтига посилка ёки йўқлов, олтига бандероль олиш ҳуқуқига эга.

Конституциянинг 44-моддасига мувофиқ «Хар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали химоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуки кафолатланади».

Мазкур конституциявий кафолатлар маҳкумларга ҳам тегишли бўлиб, улар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризаси ёки адвокатнинг илтимосномасига асосан берилади.

Камокқа олинган ёки ушлаб турилган шахсларнинг химоячи билан монеликсиз ва холи учрашувларининг сони ҳамда давом этиш муддати чекланмаган холда берилиши қонунда белгилаб қўйилган. Шунингдек, улар ўз шахсий ҳисоб варакларига ўтказиладиган пул жўнатмаларини олиши мумкин.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлар ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Эндилиқда адвокатлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлдилар. Ушбу далиллар тергов ва суд идоралари томонидан мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шарт.

— Маҳкумларнинг виждон эркинлиги тўғрисида ҳам маълумот берсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча фуқаролар учун виждон эркинлигини кафолатлайди. Бу жазони ижро этиши муассасаларида жазони ўтаётган шахсларга ҳам тааллуқлайди.

Маҳкумларга виждон эркинлиги тўлиқ кафолатланади. Улар исталган динга эътиқод қилиш ёки эътиқод килмаслик ҳуқуқига эга. Маҳкумлар олдинга уларнинг илтимосига қўра тегишли тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмалар хизматчилари таклиф қилинади, диний адабиётлардан фойдаланиш имконияти тақдим этилади.

Диний расм-руссумларни адо этиши ихтиёрий бўлиб, бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб-коидаларини бузмаслиги, шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим.

— Умумий тартибли колониялар билан қаттиқ тартибдаги колонияларда яратилган шароитлар бир-бираидан фарқ қиласадими?

— Умумий тартибли колонияларда вояга етган, касдан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар

— Маҳкумларнинг юридик ёрдам олиши ҳуқуқлари борасида ҳам тўхтамиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг давлат органларига шикоят билан мурожаат қилиш ҳамда ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилган суд карорлари ва харакатлари устидан шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

учун биринчи марта озодлиқдан маҳрум қилинганлар жазо муддатини ўтайди. Бундай маҳкумлар белгиланган энг кам ойлик иш хақининг икки бараваригача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиши мумкин. Хусусан, улар йил мобайнида тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узоқ муддатли учрашув, олти марта телефон орқали сўзлашув, олтига посылка ёки йўқлов, олтига бандероль олиш имконига эга. Ҳар бир маҳкум икки квадрат метрдан кам бўлмаган умумий ётоқхоналарда сақланади.

Муқаддам қасддан содир этилган жинояти учун озодлиқдан маҳрум қилинган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган, турмалар ва маҳсус тартибли колониялардан рагбатлантириш йўли билан ўтказилган, манзил-колонияларидан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар каттиқ тартибли колонияларда жазо муддатини ўтайди. Уларга белгиланган энг кам иш хақи миқдорининг бир ярим бараваригача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиши ҳамда йил мобайнида уч марта қисқа муддатли ва уч марта узоқ муддатли учрашув, тўрт марта телефон орқали сўзлашув, тўртта посылка ёки йўқлов, тўртта бандероль олиш хукуки берилади.

Шунингдек, қаттиқ тартибли колониялардаги шароитлар умумий режим колонияларининг шароитла-

ридан қаттиқлаштирилгани билан фарқланади.

Суднинг хукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилган (ЖК 34-моддаси), умрбод озодлиқдан маҳрум килиш жазоси афв этиши тартибида озодлиқдан маҳрум килиш жазоси билан алмаштирилган эркаклар маҳсус тартибли колонияларда сақланади. Маҳсус тартибли колониялардаги тураржой зонаси икки қисмга, хусусан, камера типидаги ва оддий тураржойлар ҳудудига бўлинган холда жихозланади.

Мазкур муассасада маҳкумлар белгиланган энг кам ойлик иш хақи суммасигача ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиши мумкин. Шунингдек, улар йил давомида икки марта қисқа муддатли ва икки марта узоқ муддатли учрашув, уч марта телефон орқали сўзлашув, учта посылка ёки йўқлов, учта бандероль олиш хукукига эга.

*— Маҳкумлар билан қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар неча соат давом этади?*

— Маҳкумларга қариндошлари ёки бошка шахслар билан муддати тўрт соаттacha бўлган қисқа муддатли, яқин қариндошлари (эр, хотин, ота-оналар, болалар, ўғил (қиз) қилиб олган шахслар, ўғил (қиз) қилиб олинган шахслар, aka-укалар, опа-сингиллар, бувалар, бувилар, неваралар) билан узоқ муддатли учрашув ЖИЭМ ҳудудида — бир сутка-

## МАЪЛУМОТ УЧУН

### ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИНИНГ 9-МОДДАСИГА КЎРА МАҲКУМЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз хукуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;
- жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;
- ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда, жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади. Жавобни қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ва озодлиқдан маҳрум этишига хукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади;
- ўқув, бадиий ва турли хил ахборот материалларидан фойдаланиш;
- соғлигини сақлаш, шу жумладан, тиббий хulosага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;
- ижтимоий таъминот, шу жумладан, қонун хужжатларига мувофиқ пенсия олиш.

Маҳкум ажнабий фуқаролар, шунингдек, ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса уларнинг манфаатларини химоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш хукуқига эга.

дан уч суткагача, ушбу худуддан ташқарида — уч суткадан беш суткагача, юқумли касалларларга чалинган беморларга учрашувлар шифокор рухсати асосида берилиши белгиланган.

— Жазони ижро этиши муассасасидаги вояга етмаган шахсларга қандай ҳуқуқлар берилган?

— Вояга етмаганлар билан боғлиқ жазони ижро этишида тарбия колонияларининг яратилиши конунчиликда назарда тутилган. Тарбия колонияларида жазони ўтаётган маҳкумлар белгиланган энг кам ойлик иш хақининг икки ярим бараваригача бўлган суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши мумкин. Йил мобайнида олти марта киска муддатли ва шунча узок муддатли учрашув, ўн икки марта телефон сўзлашуви, олтига посилка ёки йўқлов, олтига бандероль олиши ҳуқуқига эга. Муассаса худудидан ташқарида ўтказиладиган мадданий томоша ва спорт тадбирларига юбориш, киска муддатли учрашув ўрнига отаонаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки якин қариндошлари кузатувида саккиз соаттacha бўлган муддатга эркинликка чиқаришга рухсат берилади.

— Маълумки, бугун барча соҳаларда замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиши ва улардан самараали фойдаланишига катта эътибор қаратилмоқда. АКТлар жазони ижро этиши муассасаларига ҳам татбиқ этиладими?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фолијати самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ички ишлар органларининг озодлиқдан маҳрум этиши билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиши соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2017 йил 11 августдаги қарорига мувоғик, келгусида жазони ижро этиши бош бошқармаси, унинг бўлинмалари ва муассасалари ўртасида, шу жумладан, маҳкумларга масофали видео-учрашув ташкил этиши имкониятини назарда тутган ҳолда ҳимояланган алоқа канали бўйича видеоконференция тизимини босқич-ма-босқич жорий этиши кўзда тутилган.

«Ниуқ va Burch» мухбери  
Рахмат НЕЙМАТ сұхбатлашди

### “ Маҳкумларга қуидагилар тақиқланади:

Жазони ижро этиши муассасаси худудини, шунингдек, ЖИЭМ худуди доирасидан ташқарида яшашга рухсат этилган маҳкумларга эса белгиланган худудни рухсатсиз тарк этиш;

ЖИЭМ маъмуритининг рухсатисиз бирбиридан батамом ажратилган участкалар ва саҳнларнинг худудидан ташқарига чиқиш;

ЖИЭМ маъмуритининг рухсатисиз ўзлари яшамайдиган ва ишламайдиган умумий тураржойлар (ётоқхоналар) ёки ишлаб чиқариш объектларида бўлиш;

белгиланмаган жойларда чекиш;

бирор-бир манфаатни кўзлаб ўйинлар ташкил қилиш ва ўйнаш;

татуировка чизиш;

жаргон сўзлар ишлатиш ва лақаб кўйиш;

деворларга ва жиҳозларга ёзиш, чизиш, шунингдек, қоғозлар, фотосуратлар, адабиётлар, даврий матбуот нашрлари ва бошқаларни қирқиб ёпиштириш;

ЖИЭМ маъмуритининг рухсатисиз ётоқ жойини ўзгартириш ва унга парда тутиш;

ишлаб чиқариш эҳтиёжларига боғлиқ бўлмаган ҳолда иш қуроллари ва асбоб-ускуналардан, электр энергияси ҳамда бошқа материаллардан фойдаланиш;

экстремистик ғояларни тарғиб қилиш ҳамда уларга риоя этишга мажбурлаш;

паррандалар ва ҳайвонларни боқиш ҳамда саклаш, шунингдек, полизчилик билан шуғулланиш, жазони манзил-колонияларда ўтаётган маҳкумлар бундан мустасно.